



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, хусусан, мўътабар аёл зотиға ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, она-сингиллари-мизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзининг самарали меҳнати, бой амалий тажрибаси билан юртимизда олиб борилаётган тўб ислохотлар жараёнида фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига катта ҳисса қўшаётган хотин-қизларимизни муносиб қадрлаш мақсадида қуйидагилар мукофотлансин:

**“Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси” фахрий унвони билан**

Рўзиева Насиба Жумаевна — Учқудуқ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

Холманова Зулхумор Турдиевна — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг тил назарияси кафедраси мудири

**“Меҳнат шухрати”
ордени билан**

Адилова Матоб Джабборовна — Когон туманидаги “Banoaz tekstil” масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

Айтбаева Рузбика Аमतовна — Беруний туманидаги “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Гуламова Дилбара Джураевна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Материал-шунослик институти лаборатория мудири

Давлетова Назира Худайбергеновна — Богот туманидаги “Маданият” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

Исакова Мухаё Сражидиновна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институти бош илмий ходими

Карабаева Олтиной Эрмухаммедовна — “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг цех оператори, Тошкент вилояти

Нарзуллаева Адинахон — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат музыкали театри солист-вокалисти

Нориева Шарофат Эргашевна — Шароф Рашидов туманидаги “Гулчи опа томорқа хизмати” кластери раҳбари, Жиззах вилояти

Рахимова Азизахон Иминжановна — Учқўрғон туманидаги “Иминжон Мухаррам Бону” фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Турдалиева Фарида Исмаиловна — Сардоба туманидаги “Сардоба агро пилла” масъулияти чекланган жамиятининг пиллачи-инкубисти, Сирдарё вилояти

Турсунова Башорат Хужановна — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси кран машинисти, Навоий вилояти

Турсунова Дилшат Ирисмахметовна — Янги-хаёт туманидаги “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини фаоли, Тошкент шаҳри

Умурзакова Меҳринисо — Булунғур туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, Самарқанд вилояти

Хасанова Саидбиби Нематовна — Янги-хаёт туманидаги “Orchid Beauty” масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

Шамиева Дилфуза Холмуродовна — Муборак газни қайта ишлаш заводининг экспериментал таъмирлаш-механика цехи технологик қурилмалар оператори, Қашқадарё вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Абдурахмонова Зиннатхон Ўринбоевна — Асака туманидаги “Asaka city tex” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Алимова Гавхар Зайировна — Каттақўрғон шаҳар ҳокими, Самарқанд вилояти

Алимова Муборакхон Шомуратовна — Шахрихон туманидаги “Қайноналар” жамоатчилик кенгаши раҳбари, Андижон вилояти

Аннамуратова Мухаббат Шермановна — Беруний туманидаги “Беруний агро пилласи” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Арутуянц Ирина Владимировна — Наманган шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Наманган вилояти



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ
ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН
ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг оруз-интилишларини амалга ошириш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, турли соҳа ва тармоқларда қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқараётган, чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиб, муҳим ғоя ва ташаббусларни илгари сураётган, иқтимоий ҳаётда фаоллик кўрсатаётган қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, маданият, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати

билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 5 март

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар рўйхати 2-бетда.

ЭЪТИРОФ

ВАТАН ИЧРА ҚАДРЛАНИБ,
ЭЪЗОЗ ТОПГАНЛАР

Пойтахтимизда “Мўътабар аёл” кўкрак нишони совриндорларини тақдирлаш маросимиға бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда давлат ҳамда жамият ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан юрт равнақи, оиланинг шаклланиши ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга мазкур кўкрак нишон тантанали равишда топширилди.

— 2022 йил 1 мартда маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги фармони эълон қилинди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўрин-

босари — Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайхо Маҳмадова. — Куни кеча давлатимиз раҳбари раислигида мамлакатимизда хотин-қизлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда Президентимиз “Бугун сизлар билан баҳорнинг биринчи кунини ҳаммамиз учун муҳим бўлган масала — хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш бўйича энг долзарб вазифаларни белгилаб оламиз”, дея таъкидлади. Давлатимиз раҳбари маърузасида кўп минг йиллик давлатчилигимиз тарихида буюк намоёндаларимиз, ота-боболаримиз ёнида ҳамиша оқила, жасур, фидойи момоларимиз ҳам юксак ақл-заковати, теран мулоҳазалари, амалий ҳаракатлари билан мамлакат равнақиға муносиб ҳисса қўшиб келгани айтиб ўтилди.

Бугун тақдирланган хотин-қизлар ўзгаришлар ҳамда ислохотларни теран тушуниб, ташаббуслари ва меҳнати билан жамиятимизда ўз ўрнига эга бўлиб келаётган юртдошларимиздир.



Давоми 3-бетда

ДАВЛАТ СТИПЕНДИАТЛАРИ

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР —
МАМЛАКАТИМИЗ
БОЙЛИГИ

Мамлакатимизда иқтидорли ўқувчи ва талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб тақдирлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, ҳар йили давлат олий таълим муассасаларида аъло баҳоларга ўқиётган ва илмий (ижодий) ишларда фаол иштирок этаётган йигит-қизларга Ўзбекистон Республикаси давлат стипендиялари берилади.

2021/2022 ўқув йили учун ҳам мамлакатимиз олий таълим муассасалари бакалаврият босқичи талабаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номдор давлат стипендиялари тайинланди. Юртимиздаги 383 нафар талаба бу стипендиялар соҳибиди бўлди.



Давоми 5-бетда



МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ

МЕХР БИЛАН
УЗАТИЛГАН ҚЎЛ ЁРУҒ
КЕЛАЖАК САРИ ЭЛТАДИ

Бу олам аро аёлға қиёс кўп. Нафосат ва назокат зоҳир вужудда тоғдай бардош, матонат, жасорат, қатъият ҳам мавжуд. Бугун аёлларға давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда, кўмак берилмоқда. Улар жамиятнинг фаол аъзосига айланиши давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

**“50 ёшимда илк бор
сайловда қатнашдим”**

Инсон бошпанаси, иши тайин бўлса, оиласи, болалари қуршоғида яшаса, жамиятга, шу юртга ўзининг керакли эканини ҳис қилса, ҳаётдан мамнун бўлади. Бу оила тинчлиги, жамият фаровонлигига бевосита таъсир этади.

Янги Ўзбекистон ҳаётимизда улкан ўзгаришлар, оламшумул янгилıklar даврини

бошлаб берди. Бу янгиланишлар, айниқса, мамлакатимизда неча йиллардан буён яшаб келаётган, ўзини шу Ватан тақдирига дахлдор деб билган, бироқ ҳақ-хуқуқлари уларники билан тенг бўлмаган юртдошларимизга шундай бир имконият бердики, бу уларга қайта ҳаёт бахш этгандай бўлди. Бу — фуқаролик имтиёзи.



Давоми 6-бетда

ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА

ЗАМОНАВИЙ КАРВОН:



МАНЗИЛ — ТАРАҚҚИЁТ, МАҚСАД — ФАРОВОНЛИК



4-бетга қаранг.

ЭЪТИРОФ

ВАТАН ИЧРА
ҚАДРЛАНИБ,
ЭЪЗОЗ ТОПГАНЛАР

Бошланиши 1-бетда

— Мен бойчечакни жуда яхши кўраман, — дейди ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Фахрия Муҳиддинова. — Бу нозик ва нафис гул ҳали баҳор фасли келмасидан, қишнинг сўнгги совуқларига қарамай, тоғ ёнбағирларида оламга кулиб боқади. Уни жасоратли,



такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётида фаоллик, ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлигига, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш жараёнида иштирок этиб келаётган хотин-қизларни муносиб тақдирлаш мақсадида таъсис этилган.



— Халқ таълими соҳасига кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик соҳанинг ривожига, шу билан бирга, ўқитувчининг жамиятда, мамлакатда кадр-қиммати, обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилмоқда, — дейди Янгиҳаёт туманидаги 331-умумтаълим мактаби директори Жамила Синдарова. — Зеро, таълим ривожига ёш авлод келажиги, она Ватанимиз тараққиётининг кафолати. Уйғониш фасли ташаббус ва гузал орзулар палласи. Ана шу лаҳзаларда бизга берилган бугунги эътироф ва эътибордан жуда мамнунмиз.

Дарҳақиқат, давлат, жамият ва халқ меҳри, эҳтироми, эъзози аёл зотининг мақомини юксалтиради. Жорий йилда мазкур кўрак нишон билан тақдирлаш учун Республика комиссиясига 819 та ҳужжат тақдим этилди. Оила ва иш фаолиятида муносиб ютуқларга эришган, республика миқёсида, ҳудудлар ва маҳаллаларда ибратли фаолият кўрсатаётган, оиласидаги маърифий муҳит билан бошқаларга ўрнак бўлишни ҳаёт тарзига айлантирган опа-сингилларимиз, мунис онахонларимизнинг 282 нафари “Муътабар аёл” кўрак нишони билан тақдирланди.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

МУНОСАБАТ

АЁЛ РОЗИ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ РОЗИ БЎЛАДИ

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

Аёлни эъзозлаш, эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос эзгу қадриятлардан. Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда бу борадаги анъаналаримизга қаратилаётган юксак эътибор туфайли хотин-қизларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни, фаоллиги ошиб бораётир. 1 март куни хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб берилди.

Видеоселекторда қайд этилганидек, охириги йилларда хотин-қизларнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Аёлларнинг бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, опа-сингилларимиз ўртасида ишбилармонлик, тадбиркорлик муҳитини кучайтириш бўйича муҳим чора-тадбирлар кўрилди.

Хусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳага 2 триллион сўм кредит ва субсидия ажратилиб, 320 минг хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. 190 минг аёл касб-хунарга ўқитилди. 2020 йилдан бошлаб “Аёллар дафтари” тизими йўлга қўйилиб, унга киритилган 900 мингга яқин хотин-қизга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак берилган. Бу чора-тадбирлар аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ҳаётдан рози бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувори йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини тубдан ислоҳ этиш баробарида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги хайрли ишларни ривожлантиришда ҳам муҳим дастуруламал бўлди. Ушбу ҳужжат асосида ўтган йилларда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга оид муҳим чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, янги иш ўринлари яратиш орқали бандлиқни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, одамлар ишли бўлса, аҳоли жон бошига даромад кўпайса, оилада тинчлик, ишда унум бўлади.

Бироқ кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, аёллар ўртасида ишсизлик муаммоси ҳамон долзарблигича қолаётгани сир эмас. “Аёллар дафтари”га киритилган опа-сингилларимиздан 200 минг нафари ишсиз экани бунинг исботи. Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари ушбу муаммоларни ҳал этишда маҳалла фаоллари, жамоатчилик ва нурунийларнинг ўрни ва таъсири сезилмаётганини танқид қилди.

— Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажакимиз ҳам аёлларга боглик. Агар халқимиз биздан рози бўлишни хоҳласак, аввало, муътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратилиши керак. Оила рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади, — деди Президентимиз.



Бу йўналишдаги долзарб муаммоларни тизимли ҳал этиш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимизнинг Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасини

“Тараққиёт стратегиясида инсон қадрини улуғлашга қаратилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинади. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базаси яратилган ҳолда “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” билан интеграция қилинади.

ташкил этиш тўғрисидаги фармони қабул қилинди.

Бу мақсад “Ҳаракатлар стратегиясида сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид дав-



лат дастурида ҳам устувор йўналиш этиб белгиланган.

Стратегияда инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суъратларини таъминлашдек вазифалар белгиланганки, улар одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, ҳаётдан рози бўлиб яшашларини таъминлашга хизмат қилади.

ҳужжат ишлаб чиқиш белгиланмоқда. Бундан кўриш мумкинки, ижтимоий масалаларга устувор аҳамият бериш бу борада фаол, энг муҳими, кучли ижтимоий сиёсат юритиш доимий диққат марказида бўлиб турибди.

Тараққиёт стратегиясида инсон қадрини улуғлашга қаратилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича бир

ҳотин-қизларга меҳнат ашёлари учун субсидиялар ажратилади. Биргина 2022 йилда 80 минг хотин-қиз касб-хунарга ўқитилиши аёлларимиз учун муҳим янгилик бўлди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. 2022 йил 1 сентябрдан хусусий секторда расмий ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан тўлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди. Бу мақсадлар учун жорий йилда бюджетдан 200 миллиард сўм, 2023 йилда эса 1 триллион 700 миллиард сўм йўналтирилади.

Хотин-қизларнинг саломатлигини тиклаш бўйича ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилади. Хусусан, жорий йилда 6 минг аёлга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилади. Ногиронлиги бўлганлар реабилитация восталари билан таъминланади, 3 миллион хотин-қиз онкологик скринингдан ўтказилади. Шунингдек, қизларни эмлаш, фертил ёшдаги аёлларни дори ва витаминлар билан бепул таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам муҳим вазифалар белгиланди. Бу жабҳадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида 2022–2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастури қабул қилинади. Унинг ижросига жами 8 триллион сўм йўналтирилади, аёллар учун тадбиркорлик курслари ташкил этилади, имтиёзли кредитлар берилди. Давлатимиз раҳбари эҳтиёжманд хотин-қизлар бандлигини таъминлаган тадбиркорларни ҳам қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Улар учун қўллаб-қувватлаш ва бошқа имтиёзлар белгиланди.

Тараққиёт стратегиясида ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли ҳужжатларда назарда тутилган бундай устувор вазифалар аҳолининг бандлигини таъминлаш ва реал даромаддини ошириш, арзон ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Демак, бу йўналишда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда ҳаммамиз масъулиятни теран хис қилган ҳолда, бор билим ва салоҳиятимизни сафарбар этишимиз лозим.

Ногиронлиги бўлган шахсларни тадбиркорликка жалб этиш ва ўзини ўзи банд қилиши учун имтиёзли кредит, субсидиялар ажратилади.

Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, умумбашарий муаммоларга ёндашишда ҳам аynи йўналишга доир муҳим масалалар акс этган. Жумладан, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 баробар қисқартириш кўзда тутилган.

Давлат дастурида эса норасмий ишлаётган 450 минг фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларнинг ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини ошириш белгиланмоқда. Чунки кўпгина умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш каби тадбиркорлик субъектларида ёшлар ва хотин-қизлар норасмий, яъни меҳнат шартномаси тузмай ишлаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Шундан келиб чиқиб, норасмий секторда бандлиқни камайтириш бўйича тегишли стратегия лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланмоқда. Ушбу ҳужжатда яширин иқтисодиётни қисқартиришда жамоатчилик ролини ошириш, норасмий секторда банд бўлган аҳоли ўртасида ижтимоий ҳимояни таъминлаш юзасидан тарғибот ишларини олиб бориш, фуқаро, ходим ва иш берувчиларнинг меҳнат соҳасидаги мурожаатларини “бир дарча” тамойили асосида тезкор кўриб чиқиш механизмининг жорий қилиш каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратилади.

Бу борада Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари ҳузурида ишчи гуруҳлар ташкил этилган ҳолда, корхона ва ташкилотларда 450 минг ходим билан меҳнат муносабатларини расмийлаштириш, уларга иш ҳақи ҳисоблаш, иш ҳақидан солиқ ва ижтимоий тўловлар тўланишига амалий ёрдам кўрсатилади.

Шу мақсадда ҳар йили хотин-қизларни касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилади. Уларни касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун қўмақлашиш ҳамда ўзини ўзи банд қилиш истагида бўлган хотин-қизларга меҳнат ашёлари учун субсидиялар ажратилади. Биргина 2022 йилда 80 минг хотин-қиз касб-хунарга ўқитилиши аёлларимиз учун муҳим янгилик бўлди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. 2022 йил 1 сентябрдан хусусий секторда расмий ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан тўлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди. Бу мақсадлар учун жорий йилда бюджетдан 200 миллиард сўм, 2023 йилда эса 1 триллион 700 миллиард сўм йўналтирилади.

Хотин-қизларнинг саломатлигини тиклаш бўйича ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилади. Хусусан, жорий йилда 6 минг аёлга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилади. Ногиронлиги бўлганлар реабилитация восталари билан таъминланади, 3 миллион хотин-қиз онкологик скринингдан ўтказилади. Шунингдек, қизларни эмлаш, фертил ёшдаги аёлларни дори ва витаминлар билан бепул таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам муҳим вазифалар белгиланди. Бу жабҳадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида 2022–2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастури қабул қилинади. Унинг ижросига жами 8 триллион сўм йўналтирилади, аёллар учун тадбиркорлик курслари ташкил этилади, имтиёзли кредитлар берилди. Давлатимиз раҳбари эҳтиёжманд хотин-қизлар бандлигини таъминлаган тадбиркорларни ҳам қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Улар учун қўллаб-қувватлаш ва бошқа имтиёзлар белгиланди.

Тараққиёт стратегиясида ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли ҳужжатларда назарда тутилган бундай устувор вазифалар аҳолининг бандлигини таъминлаш ва реал даромаддини ошириш, арзон ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Демак, бу йўналишда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда ҳаммамиз масъулиятни теран хис қилган ҳолда, бор билим ва салоҳиятимизни сафарбар этишимиз лозим.

TRANSPORT-ЛОГИСТИКА

Шарофиддин НАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Сўнгги пайтларда жаҳонда рўй бераётган воқеалар, мамлакатлар ўртасидаги сиёсий тўқнашувлар ортидан иқтисодий қарама-қаршилиқлар ҳам кучаймоқда. Янгиланаётган дунё тартибига тезроқ мослашиш учун яқин ва узоқ давлатлар билан фаол ҳамкорлиқни сақлаб қолиш, бунинг учун эса халқаро транспорт–транзит салоҳиятини янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон учун мавжуд транспорт йўлақларида самарали фойдаланиш ва янгиларини очиш миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлигини таъминлашда ўта муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ягона транспорт тизимини ривожлантириш, замонавий транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфраструктурасини шакллантириш ҳамда транспорт соҳасида ташқи савдо учун “яшил коридорлар” ва транзит имкониятларини кенгайтиришга қaratилган вазифалар белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш дунёда юзгага келган геосиёсий ва геоиқтисодий ҳолатда барча имкониятларимизни ишга солишни таъқозо этади.



— Қозоғистон — Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Ҷомон — Ҳиндистон” транспорт йўлаги Ҳинд океани ва Форс кўрфазига кириш имконини берувчи энг яқин йўл ҳисобланади.

Ушбу транспорт йуллакларини ривожлантириш орқали Ўзбекистон нафакат Осиё минтақаси давлатлари, бошқа хорижий, хусусан, Европа давлатлари билан урнатилган интеграция ва ҳамкорлик алоқаларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш имконига эга бўлади. Бу борада Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларини узиб беголчи минтақавий ва минтақалараро транспорт лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган ташаббуслари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу Марказий Осиё давлатларининг ягона транспорт-логистика тармоғига интеграциялашуви орқали жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайди. Чунки минтақадаги барча Марказий Осиё мамлакатлари денгиз портларига чиқшдан географик жиҳатдан изоляция қилинган умумий муаммога эга.

транспорт-транзит йўлаги Марказий Осиёни Эроннинг Форс ва Ҳмон кўр-фазлиридаги портлари билан боғлаш учун мўлжалланган. Ушбу маршрут Шарқий Хитойдан Форс кўрфазига бозор-ларига товарларни Ўзбекистон орқали етказиб беришда энг қисқа ва тезкор логистика ечими саналади.

Логистика ва молиявий харажатларни реал бяхолдан ҳолда транспорт-транзит салоҳиятини оширишда Ўзбекистоннинг ташқи савдо юкларини Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ бозорларига чиқишини таъминлай оладиган Эрон ва Покистон портларига олиб борувчи йўлларнинг Ўзбекистон учун аҳамияти ошиб боришини халқаро экспертлар ва мутахассислар алоҳида эътироф этмоқда. Шунингдек, Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси Хитойга қўйилган масофани 270 километрга қисқартирди. “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўл коридори амалга оширилган тақдирда, ушбу участка унинг асосий элементига

ЗАМОНАВИЙ КАРВОН:



МАНЗИЛ — ТАРАҚҚИЁТ, МАҚСАД — ФАРОВОНЛИК

Ўзбекистонда мавжуд ҳудудлараро транзит ва коммуникация йўллари, маданий ва тарихий манбаларга бой манзиллар, табиий-иқтисодий ресурслар минтақалараро интеграция учун катта имконият ва шарт-шароитларни тақдим этади. Шунинг эсда тутиш керакики, ўтмишда заминимиз Осиё цивилизациясида муҳим роль ўйнаган. Бу ерда Буюк ипак йўлининг марказий беголғовчи туғуни, замонавий тил билан айтганда, логистика маркази жойлашган бўлиб, у орқали нафақат моддий бойликлар, балки номоддий бойликлар — ота-боболаримизнинг тажрибаси, ютуқлари ва илмий фикрлари ҳам тарқалган. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Осиё ва Европанинг жаҳон ишлаб чиқариш марказлари ўртасида товар ва капитал оқимини ошириш учун келажақдаги транзит йўлаklари тизимини ўзида жамлаш имкониятига эга.

Муаммолар ва уларнинг ечими

Ҳақиқат шундан иборатки, Ўзбекистоннинг транспорт-логистика салоҳияти жуда чекланган, мамлакатимиз ташқи иқтисодий алоқаларини учта денгиз порти — Ильичевск (Қора денгизга чиқиб), Санкт-Петербург (Болтиқ денгизига чиқиб имконияти билан) ва Владивосток (Узоқ Шарқ портларига чиқиб имконияти билан) орқали амалга ошириши мумкин эди. Ушбу портларга республикадан мои равишида 3 минг, 4 минг 300 ва 8 минг километр масофани босиб ўтиш уч ташин нархини сезиларли даражада оширадди.

Мамлакатимизда кейинги 5 йилдаги
ислохотлар транспорт-логистика соҳа-
сида катта ўзгаришларни амалга ошириш
имконини берди. Президентимиз ташаб-
буси билан мазкур соҳанинг ҳуқуқий ва

институционал асослари мустақамланди. Хусусан, транспорт-логистика салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида”, “Темир йўл транспорти тўғрисида”, “Автомобиль транспорти тўғрисида”, “Автомобиль йўллари тўғрисида”, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида” ва “Шаҳар йўловчи транспорти тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди. Шунингдек, автомобиль, темир йўл, ҳаво қатновларида ривожлантириш соҳасида янгона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича давлат органи бўлмиш транспорт вазирлиги ташкил этилди.

“2018–2022 йилларда юк ташишининг транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва таъши савдо йўналишларини диверсификация қилиш комплекс дастури”ни амалга ошириш доирасида янги транспорт-транзит йўлакларини ва логистика марказларини тармоғини ривожлантириш, автотранспорт ва ҳаво кемаларни паркинни кенгайтириш, юкларни қўшни давлатларда самарали ташиш учун шарт-шароит яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, йўловчи ҳамда юк ташуви ҳажми ва сифатини ошириш учун шароит яратиш, транспорт тизими-ни такомиллаштиришни назарда тутув-чи Ўзбекистон Республикаси транспорт тизимини 2035 йилгача ривожланти-риш стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Транспорт соҳасини бошқариш тизими, шунингдек, соҳа ҳодимларини тайёр-лаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга принципиал янги ёндашув-лар жорий этилди.

Узбекистоннинг Европа Иттифоқи махсус имтиёзлар тизими (GSP+)га бенефициар давлат сифатида қабул қилингани Европа Иттифоқи давлатлари билан ўзаро савдои ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар тақдим этди. 6,2 мингдан ортиқ товарни Европа

Йўловчи ва юк ташиш ҳажми ҳамда сифатини ошириш учун шароит яратиш, транспорт тизимини такомиллаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси транспорт тизимини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Транспорт соҳасини бошқариш тизими, шунингдек, соҳа ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга принципиал янги ёндашувлар жорий этилди.



Иттифоқи давлатларига GSP+ доирасида божсиз олиб қилиш имконияти Ўзбекистонда бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга туртки беради. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш имконини яратди. Бундай шароитда Марказий осиеда Шимоли-жанубий ва ғарбий, шарқий йўналишлар бўйлаб транспорт йўлакларини бирлаштира оладиган транспорт йўлакларини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Президентимизнинг Марказий Осиё давлатлари билан яқинлашиш, минтақада дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш бўйича олиб бораётган фаол сиёсати юзга келаётган муаммоларни ечиш имконини яратмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг Ангрэн — Поп темир йўли "Хитой — Марказий Осиё — Европа" коридоридagi муҳим

бўгин ҳисобланади ҳамда Хитойни Жануби-шарқий Европа, Яқин Шарқ, Форс кўрфазин ва Ўрта ер денгизин билан боғлаш имконини беради. 2018 йилда очилган “Тошкент — Андижон — Ўш — Иркештом — Қашғар” автомобиль йў-

лаги бўйлаб ҳаракатланиши Марказий Осиёдан тўғридан-тўғри Хитойга бориш имконини яратди. Трансфдон транспорт йўлаги ҳам муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўли орқали денгиз портларига чиқиш мумкин. "Бир макон, бир йўл" доирасидаги йирик транспорт лойиҳаларидан бири бўлган "Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой" темир йўлининг ишга туширилиши Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси янги савдо бозорларини очишга хизмат қиладиган истиқболли транспорт йўлаги ҳисобланади. Ашхобод келишуви доирасида амалга оширилаётган яна бир субинтақавий лойиҳа — "Россия

Транзит бизга нима беради?

Ўзбекистонда транспорт тизими-
ни ривожлантиришда яна бир туртки
транзит учун қўшимча шарт-шароитлар
яратиш ва тегишли логистика хизмат-
ларини кўрсатишдир. Европа ва Осиё

айланади ва Ўзбекистоннинг глобал логистика йўналишлари тармоғига қўшилишини таъминлайди. Натижада Ўзбекистон нафақат Хитой, балки Яқин Шарққа ҳам тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, мазкур йўналишнинг ишлаши юк ташиш вақтини 5-6 кунга қисқартиради. "Поп — Наманган — Андижон" участкасини электрлаштириш мазкур линия қувватидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, транспорт-транзит салоҳиятини ошириш Марказий Осиёда нафақат Ўзбекистоннинг, шунингдек, қўшни давлатларининг энг долзарб вазифасига айланиб бўлди ва уни амалга ошириш мамлакатлар ўртасида минтақавий ҳамкорлиқни юқори даражага олиб чиқишни талаб этмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиё давлатлари билан яқинлашиш, улар билан ишончли ва дўстона муносабатлар ўрнатиш, сунъий тўсиқларни бартараф этиш борасида олиб бораётган прагматик ва фаол сиёсати минтақавий иқтисодий интеграция ва ҳамкорлик учун ишончли замин яратди, десак ўринли бўлади.

Ушбу платформада (заминда) минтақа мамлакатларининг фаол иштирокида транспорт-логистика соҳасида истиқболли йўналишларни изчил амалга ошириш, миллий иқтисодиётлар уртасида ўзаро боғлиқлиқни мустаҳкамлаш, халқаро магистрал йўлакларни қуриш ҳамда Осиё, Европа ва Африка минтақаларини боғловчи инфраструктура тармоғини шакллантиришни биргаликда рағбатлантириш борасида аниқ вазифаларни амалга ошириш вақти келди. Бунинг учун Марказий Осиё мамлакатлари томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш, ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида умумий асослар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш зарур. Хусусан, эркин савдо зоналарини очиб, саноат кооперациясини йўлга қўйиб ва боҳжона тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган конструктив мулоқотни кучайтириш мақсада мувофиқ.

“2018–2022 йилларда юк ташишнинг транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ташқи савдо йўналишларини диверсификация қилиш комплекс дастури”ни амалга ошириш доирасида янги транспорт-транзит йўлаклари ва логистика марказлари тармоғини ривожлантириш, автотransпорт ва ҳаво кемалари паркини кенгайтириш, юкларни қўшни давлатларда самарали ташиш учун шарт-шароит яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, ҳозирги кундаги геоиқтисодий ҳолат Марказий Осиёда интеграция лойиҳаларини фаол илгари суриш, минтақавий хавфсизлик ва минтақавий барқарор ривожланишини таъминлаш учун кулай шарт-шароитлар яратмоқда. Уларни амалга оширишнинг ижобий натижалари транспорт харажатларини камайтириш, логистикани ривожлантириш, инновациялар тарқаллигини кучайтириш орқали миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардорлигини оширишга ва пироваврида аҳоли турмуши даражасини яхшилашга хизмат қилади.



ДАВЛАТ СТИПЕНДИАТЛАРИ

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР —
МАМЛАКАТИМИЗ БОЙЛИГИ

ДУНЁ КАФТИМИЗДА

Бугун кўлимиздан ўйлаганимиздан ҳам
кўп иш келади

Бугун Янги Ўзбекистонда юксак онгу тафаккури билан дунёни ҳайратга солган ажоддорларимиз каби янги авлод улгаймоқда. Янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда. Зеро, ҳар бир жамият ўзига зарур шахсни тарбиялайди. Биз кўз тиккан ёш авлод ана шу жамият тараққиётининг янги уфқларини барпо этишга хизмат қилади.



Бошланиши 1-бетда

Бугун улар эришган ютуғидан беҳад қувониб, янада руҳланган ҳолда катта мақсад сари дадил одилламоқда. Давлат стипендиялари соҳиблари орасида Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институти талабалари ҳам бор.

Ноилла Салимова билимга чанқоқ ёшлардан. Мактабни ва касб-хунара коллежини аъло баҳоларга битирган. Болалигидан табиат ва наботот оламига бўлган қизиқиши уни Самарқанд ветеринария медицинаси институтига етаклади. Ноилла креатив фикр ва дунёқарашга эга. Ўз танлови билан институтга ҳужжат топшириб, давлат гранти асосида талабалikka қабул қилинди. Бугун у институтнинг биотехнология, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш факультетида ветеринария фармацевтикаси бўйича тахсил оляпти.

— Барча фанлардан фақат аъло баҳоларга ўқишга ҳаракат қилаямман. 2020 йили “Хайвонлар физиологияси” фанидан олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган республика онлайн фан олимпиадасида 1-ўринни эгалладим, — дейди Ноилла. — Бу мени билим сари интилишга, янада жиҳватли бўлишга ундади. Ўқиш билан бирга, устозларим раҳбарлигида илмий тадқиқот ишлари билан ҳам фаол шуғулланаман. Илмий ишим мавзуси “Маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёсидан фармакопрофилактик дори воситаларини ишлаб чиқариш технологияси” деб номланади. Ҳозиргача республика ва хорижий илмий журналларда бир нечта мақолам чоп этилди. Улар ветеринария, ветеринария фармацевтикаси соҳасини янада ислоҳ қилиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, янги замонавий препаратлар яратишга оид умумий маълумотларга асосланган.

Шифобахш гиёҳлардан дори-дармон сифатида фойдаланиш қадимий одат бўлиб, унинг тарихи инсоннинг шаклланиш давридан бошланади. Мен ҳам маҳаллий доривор ўсимликлардан фармакопрофилактик дори ишлаб чиқариш технологияси бўйича катта ютуқларга эришишни мақсад қилганман.

Утган йили халқаро инглиз тили тест тизими бўйича Б2 даражада сертификатни кўлга киритдим. Айниқса, бугун бакалаврият талабалари учун таъсис этилган Беруний номидаги давлат стипендияси совриндори бўлганим мени гоят қувонтирди. Сабаби, ушбу мукофотни кўлга киритиш орқали оила аъзоларим ва устозларимнинг менга ишончи янада ортди. Шу билан бирга, бу мукофот зиммамаг улкан вазифалар ҳам юклади. Аслида мен учун стипендия совриндори бўлиш ижтимоий ва илмий соҳада янада кўпроқ изланишлар қилиш, юксак ютуқларга эришиш, жамият ҳаётини яхшилаш каби мақсадларнинг дебначаси ҳисобланади.

Тошкент архитектура-қурилиш институтидан ҳам 4 нафар талаба Президент ҳамда номдор давлат стипендиялари соҳиб бўлди. Институтнинг қурилиши бошқариш факультети талабаси Алишер Аҳмедов улардан

бири. Алишер барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириш билан бирга, ўз йўналиши бўйича илмий тадқиқот олиб бормоқда. Бу интилиши ва изланувчанлиги туфайли “Йил талабаси—2020” кўрик-танловининг институт босқичида “Илнинг ўз мутахассислиги бўйича энг билимдон талабаси” номинациясида 2-ўринни эгаллаган.

Алишер инглиз ва рус тилларини пухта ўзлаштирган, “Result Plus” ўқув маркази асосчиси. Кўплаб илмий мақола ва тезислар ёзган. У мақолаларида замонавий шароитда маркетинг коммуникацияси шакллари ишлаб чиқиш ва бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ёғларини илгари сурган. Шунингдек, институтда тахсил олиш давомида 10 дан ортқ турли танлов, маҳаллий ва халқаро миқёсдаги конференцияларда қатнашган. “Discover Invest” компанияси томонидан ўтказилган “Талант—2021” танловида 2000 дан ортқ номзод ичида ғолиб деб топилган. Натижада Германиянинг Bauhaus-Universität Weimar университетидан бир семестр давомида таълим олиш учун 8000 евро пул мукофоти ишга ютди. Айни пайтда Discover Invest ва Golden House каби йирик қурилиш компанияларида стажёрлик қилляпти.

— Ўзбекистон Республикаси Президентини давлат стипендияси соҳиб бўлганим энг катта ютуғим, — дейди Алишер. — Албатта, “Нажот билимда, нажот тарбияда, нажот таълимда”, деб бежиз айтилмаяпти. Мамлакатимизда биз, ёшларнинг билим ва иқтидорини ривожлантириш учун катта эътибор қаратилляпти. Бу имкониятлардан нега фойдаланмаслигимиз керак?! Аксинча, қадрига етиб, янада юқори чўққиларни забт этишимиз зарур. Энди бу натижалар



билан тўхтаб қолмоқчи эмасман. Келажакда ўз соҳамнинг академиги бўлишни ният қилаямман.

Шу институтнинг яна бир талабаси Диёра Ярашева Беруний номидаги давлат стипендияси совриндори бўлганидан жуда мамнун. Иқтидорли қиз ўқиш давомида устозлари ҳамда тенгдошларининг ҳурмати қозонди. Унинг ютуқлари қаторида Санкт-Петербургда ўтказилган халқаро “Golden Trezzini” танловининг фахрий дипломи, “Янги аср истеъодлари—2021” республика кўрик-танловининг “Энг яхши мезморий инновацион лойиҳа” номинацияси бўйича 3-ўрин, “Upgrade our Uzbekistan” мактаб лойиҳаси танловининг 2-ўрин соҳиба бериладиган дипломлар ҳам бор.

— Ўқиш давомида кўплаб архитектура ва интерьер лойиҳаларни амалга оширдим. Масалан, замонавий мактаб, ўрта ва кўп қаватли турар жой биноси, меҳмонхона, офис, уй ва савдо маркази лойиҳалари шулар жумласидан. Келгусида магистратура таълимини хорижий университетда давом эттириб, билим ва тажрибамни юртимизда кўллаб, архитектура визуализацияси соҳасида фаолият юритмоқчиман, — дейди Диёра. — Инсон мақсад сари интилишдан тўхтамаслиги керак. Мен бу стипендияни олишимга ишонмасдим.



Лекин уни кўлга киритгач, бунга тушуниб етдим. Бугун кўлимиздан ўйлаганимиздан ҳам кўп иш келади. Ахир дунё кафтимизда. Асосийси, бунга ўзимизда иштиёқ ва олға интилиш бўлса, бас.

Ҳақиқатан ҳам, бугун мамлакатимизда илм-фанга қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ, ёш иқтидор эгалари етишиб, турли соҳаларда ютуқларга эришмоқда. Бунга Тошкент архитектура-қурилиш институтининг яна бир талабаси Шахло Фулмонова мисолида ҳам кузатиш мумкин.

— Шиддат билан ривожланаётган давр ёш новаторларга муҳтож. Қувонар-



лиси, янги Ўзбекистонимизда бундай ёшлар кўп, — дейди истеъодли талаба. — Умидли ёшлар вакили сифатида мен ҳам ўз илмий иш ва изланишларимни инновациялар ҳамда рақамли иқтисодиётга қаратганман. Утган йилларда ўнга яқин илмий мақолам маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп этилди. Аслида илмий ишларим танловларда ғолибликни кўлга киритишимга туртки бўлди. Мисол учун, “Янги аср истеъодлари” республика танловида “Энг яхши энергия самарадор ошланмалар” номинацияси бўйича иштирок этдим. “Инсон ҳаракати орқали ажраладиган электр энергиясини ишлаб чиқаришда павижин панеллари” мавзусидаги илмий ишим бугун муаммога айланаётган ёқилғилар ўрнига инсон ҳаракати орқали ажраладиган энергия ҳосил қилишга қаратилган.

Илмий изланишларим асосан иқтисодиёт соҳасига қиритилиши мумкин бўлган ангилликлар ва уларнинг афзалликларидан иборат. Ислон Каримов номидаги давлат стипендияси соҳибаси бўлишимга ҳам иқтисодиёт йўналишида таълим олаётганим сабаб бўлди. Албатта, ҳеч бир ютуққа осонликча эришиб бўлмайди. Кўплаб кўрик-танловлар, тадбирлар, олийгоҳда аъло ўқиш бунга пойдевор яратди. Ҳозиргача 20 га яқин халқаро ҳамда республика миқёсидаги сертификат ва дипломга эга бўлдим. Қатор танловларда ғолибликни кўлга киритдим. Эришган ютуқларим мени янада кўпроқ изланиш, ўз устимда ишлашга ундайди.

Бир сўз билан айтганда, бугун Янги Ўзбекистонда юксак онгу тафаккури билан дунёни ҳайратга солган ажоддорларимиз каби янги авлод улгаймоқда. Янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда. Зеро, ҳар бир жамият ўзига зарур шахсни тарбиялайди. Биз кўз тиккан ёш авлод ана шу жамият тараққиётининг янги уфқларини барпо этишга хизмат қилади.

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ирода ОЛИМЖОНОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик университети талабаси,
Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиб



Жаҳон тилларидан бири деб эътироф этилган араб тили инсоният тараққиёти тарихида гоят муҳим ўрин эгаллаган. Яқин ўтмишгача мусулмон мамлакатларида араб тилини билмайдиган киши зиёли саналмас эди. Устозларимнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда башариятнинг тараққиёт даражасини белгилаётган энг муҳим фанлар (кибернетика, астрономия, тиббиёт)нинг асослари ўрта асрларда араб тилида яратилган. Бу тилда жаҳон маданияти дурдоналарига айланган кўплаб адабий-бадий, фалсафий, диний, тарихий, сиёсий мавзулардаги асарлар ёзилган.

БОБОЛАРДАН БИЗГА
МЕРОС ЭЗГУ ТИЛ

Бобом ва бувижоним “ислом маданияти” ёки “араб тилидаги маданият” деб аталмиш бу маданиятнинг шаклланиб, ривожланишига Имом Бухорий, Термизий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек каби кўплаб ажоддорларимиз ҳам салмоқли ҳисса қўшгани ҳақида кўп таъкидлар эди. Шу боис, болагимдан араб ва инглиз тилларини ўрганишга жуда қизиққанман. Мактабимиз кутубхонасидан ҳам жаҳон адабиётига оид асарларни кўпроқ излар эдим.

Онам тиббиёт ходими бўлгани учун Олмазор тиббиёт коллежида ўқишни тавсия қилди. Онамнинг сўзларини қайтара олмам, лекин вақт ўтгани сайин Шарқ мамлакатлари адабиёти, маданиятига қизиқишим янада ошиб борди. Коллежни тамомлагач, мендаги интилиш ва изланишларни қўрган онам Тошкент давлат шарқшунослик университети Шарқ филологияси ва таржумашунослик факультетининг араб филологияси йўналишига ҳужжат топширишимга рози бўлди. 2018 йилда университетга давлат гранти асосида қабул қилидим.

Иккинчи босқичга ўтганимда устозим профессор Шорустам Шомусаров: “Сен — ҳаракат қилсанг, барча мақсадга эриша оладиган иродали ва жасоратли кизсан. Энди ўрганган билиминг асосида мақолалар ёзишга уриниб кўр, эплай опасан”, деди. Аввалига бу жараён менга мураккаб туюлди. Устозимнинг далдаси ва маслаҳати туфайли қийинчиликларни ҳам енгиб ўтишга аҳд қилдим. Вақт ўтгани сайин ёзган мақолаларим эътироф этила бошлади.

Аввалига университетимизда ўтказилган илмий анжуманларда ўз мақолаларим билан иштирок этдим. Илмий тадқиқот ишим “Араб тилида масдар ва унинг ифодаланиши” мавзусида бўлиб, мақолаларим олдини университетимиз илмий анжуман тўпламларида, кейинчалик республика тўпламларида чоп этилди. Бундан ташқари, Россия, Украина ва Польшада ўтказилган илмий конференцияларда қатнашиб, сертификатга ҳам эга бўлдим. Маърузаларим ва илмий мақолаларим хорижий журналларда нашр этилди. 3-босқичда

БУЮК АЖДОДИМИЗГА
ВОРИСЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Қамолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти 3-босқич талабаси Ҳилола Йўлдошева “Интилганга толе ёр” нақлини ҳаётий шioriга айлантирган ёшлардан. У 2000 йилда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида туғилган. 2019 йилда П.П.Беньков номидаги Республика рассомлик коллежини дастгоҳли рангтасвир йўналиши бўйича тамомлади. Ўзининг тиришқоқлиги, жамоат ишларидаги фаол иштироки билан тенгдошларидан ажралиб турадиган Ҳилола вилоят, туман, республика ва халқаро миқёсдаги танловларда муносиб иштирок этиб келмоқда. Яқиндагина у Алишер Навоий номидаги давлат стипендиатлари қаторидан ўрин олди.

2020 йилги пандемия даври Ҳилолага ижодкорлик қобилиятини кенгроқ намойиш этишга имкон берди. Вақтдан унумли фойдаланган талаба институт томонидан беш муҳим ташаббус доирасида ўтказилган “Ўйда қол, ижод қил!” танловида биринчи ўринга муносиб топилди. Шу йил олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган республика онлайн фан олимпиадасидаги иштироки учун сертификат билан тақдирланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг “Санъат — қудратли куч”, Вазирилар Маҳкамаси Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаментининг “Қадринг баланд бўлсин, она тилим” онлайн танловларида ҳам фаол қатнашиб, сертификатлари сонини кўпайтирди.

2021 йил Россияда бўлиб ўтган “Магия искуств” халқаро онлайн фестивалида 1-ўринга лойиқ қилинган уни ўз устида янада кўпроқ ишлашга ундади. Натижа ёмон бўлмади. Россияда ўтказилган “Пейзаж. Холодный колорит” халқаро ижодий танловида энг юқори ўринни кўлга киритди.

У иштирок этган тадбирлар кўпчилиги боис, ҳар бирини номма-ном санамадик. Муҳими, ёш ижодкорнинг йилдан-йилга ўсиб бораётгани.

Ўзини янги-янги ғалабаларга ундаб турган, бўлажак касбининг номаълум қирраларини кашф этишида йўл-йўриқ кўрсатаётган фидойи устозларини қадрамимиз алоҳида тилга олди. Айниқса, унга мутахассислик фанидан дарс берган Аҳмаджон Ўринов, ижодий асарларига тақризларини аямайдиган санъатшунос Обид Абдуллаевга ҳурмати чексиз.

— Мана шу устозларимнинг салоҳияти, кўп йиллик тажрибаси туфайли асарларим танловларда муносиб баҳоланди, одамлар назарига тушди, — дейди Ҳилола.

Айни пайтда институтда рангтасвир (театр безаги) таълим йўналишида тахсил олаётган Ҳилола илмий, бадий, ижодий жиҳатдан саҳна бадий безаги тасвирини яратиш, кичик ва катта декорацион шакллар, реkvизит ва атрибутлар, персонаж ва либос, усул ва услубларни пухта ўрганмоқда. Зеро, театр безаги, рангтасвир санъати драматик ва мусикали драма, опера, балет, кўғирчоқ ва бошқа эстетик театр йўналишлари, турли элементлардан ижодий муҳит яратиш билан узвий боғлиқ.

Ҳилоланинг фикрича, театрда ўтирган томошабин саҳна безагини нафақат кўриши, балки унинг маъносини англаб етиши керак. Айтайлик, бир деталнинг синдирилган ҳолати. Нега

устозларим мени Алишер Навоий номидаги давлат стипендиясига номзод сифатида тавсия қилди. Бу мен учун жуда ҳаяжонли жараён эди. Натижалар эълон қилинганида қўлоғимга ишонмадим. Болагимдан шу кунгача кечган ҳаётим бир-бир кўз ўнгимдан ўтди.

Шуқриқ, илмни қадрловчи улуг боболарим эъзозлаган тилни ўрганиб асло кам бўлмадим. Илм-маърифат ва касб-хунарга интилиш, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, қадриятларимизга садоқат каби эзгу фазилатлар азалдан халқимиз, миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Мен кўхна тарихимиз, тобора ёруғ, эзгу ва улуг йўлларга туташиб бораётган бугунимиз билан фахрланаман. Келгусида ўз изланишларим билан тилшунослик ва таржима соҳаси ривожига ҳисса қўишни истаيمان!



у бутун эмас, синиқ тарзда акс эттирилди? Ҳар бир безак, ҳар бир деталь спектралдан англатиладиган ҳулоса, ечимга хизмат қилиши лозим. Ҳилола театрда саҳна безаги учун ишлатилган деталлар ҳаммаша ҳам реал ҳолатда бўлмаслиги ва айнан шу жиҳат томошабинни таҳлилга қорлаши билан муҳимлигини айтади. Шу маънода, ёш ижодкорнинг фалсафий асарлар яратишга қизиқиши бежиз эмас. Давлат стипендиясига муносиб топилгани уни янада руҳлантирди.

— Ҳеч бир ҳаракат самарасиз бўлмас экан. Изланиш, интилишдан толмай, олдинга юраверган инсоннинг ноумид қолмаслигига гувоҳ бўлдим. Улуг ажодимиз номидаги стипендия соҳибаси деган номни оқлаш учун бундан кейин ҳам бор кучим, билимимни юртимиз тасвирий санъатини юксалтиришга сарфлайман. Чека-чекка қишлоқларда ижод қилаётган иқтидорли ёшларга қўлимдан келганча ёрдам бераман.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ



МЕХР БИЛАН УЗАТИЛГАН ҚЎЛ ЁРУҒ КЕЛАЖАК САРИ ЭЛТАДИ

Бошланиши 1-бетда

“Энди мен ҳам Ўзбекистон фуқароси-ман”, деган жумла замирида қанча изтироб, қанча қувонч, қутишлар, йўқотишлар бор. Бугунги ислохотлар ҳалқимиз тўқис ва фаровон яшасин, деган мақсадда амалга оширилаётир. Одамлар орасида улар билан тенг ҳуқуқли бўлиб яшаш имтиёзи ҳам ана шундай эзгу ишларнинг энг яхшиларидан биридир.

Ҳабиба МҮМИНХҲАЕВА:

— Гулистон шаҳрида яшайман. 1971 йили Қирғизистоннинг Ўш вилоятида туғилганман. Турмушга чиқиб, тўнгич қизимиз туғилгач, Сирдарё вилоятининг Боёвут туманига кўчиб келдик. Ўзбекистон турмуш ўртоғимнинг — бобо юрти. Қон тортади, шекилли, ҳар икки гапнинг бирида “Ўзбекистонга кетамиз”, деяверарди. Қариндош-уруғларнинг меҳр-оқибати билан бу ерга кўчикиб кетишим қийин бўлмади. Бироқ ота-онам, жигарларим Қирғизистонда, уларни соғинар, тез-тез кўришга бориб турардим. Кейинчалик йўллар ёпилди, борди-келди тўхтаб қолди. Фуқаролик паспортиимиз йўқлиги учун бўлган сарсон-саргардонлиқни кўрсангиз эди. Жигарларим тўй қилди, боролмадим, касал бўлди, ҳолини сўролмадим, оламдан ўтган қариндош-уруғ, кўни-қўшниларни сўнгги манзилга кузатолмадим, маросимлар қилинди, боришга йўл йўқ. Қанотингиз бўлса, учиб борсангиз...

Ўзбекистонда биз кўп нарсасга эришдик, фарзандларимиз туғилди, уй қурдик, тўйлар қилдик. Эл-улус бизни кўнглига яқин олди, ҳурмат топдик, шуҳрат қозондик. Бу ерда тўқис ҳаёт кеңиришимиз учун барча шароит мўҳайё. Томорқамизнинг 2 сотихида иссиқхона ташкил қилиб, помидор ва бодринг етиштиришни йўлга қўйдик. Ўзимиздан ортиб, кўни-қўшни, маҳалла-қўйни ҳам маҳсулот билан таъминладик. Меҳнатимиз туфайли хонадонимизга барака кирди: рўзгоримиз бут, дастурхонимиз тўқин бўлди. Кичкина жойдан мўмайгина даромад қила бошлагач, иссиқхонани 5 сотихга кенгайттирдик. 30 туп лимон кўчати эдик. Бу кўчатлар 3 йилда ҳосилга кирди. Иссиқхонани кенгайтириш, замонавий технологиялар билан таъминлаш учун қўшимча маблағ керак, бунинг учун банкдан кредит олишимиз лозим эди. Афсуски, фуқаролигимиз йўқлиги учун кредит берилмади.

Қирғизистонда қолган қайнотам ва қайноғам кетма-кет оламдан ўтди. Турмуш ўртоғим уларни сўнгги йўлга кузатолмади. Қалбда армон қолди. Фуқаросизлик мана шундай изтироблар берди бизга.

Ўтган йили ҳаётимизда катта ўзгариш бўлди. Муболагага йўйманг, самимий гап бу: қайта ҳаёт бошлади. Президентимиз ташаббуси билан биз каби фуқаролиги йўқ одамларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилди. Дастлаб ўғлим бу бахтга эришди. Сўнг турмуш ўртоғим ва мен.

2021 йил 24 октябрь куни тонг саҳарда турмуш ўртоғим билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш учун сайлов участкасига бордик. Ҳали овоз бериш жараёни бошланмаган экан. Биз биринчи бўлиб овоз бердик. Кўни-қўшни, маҳалла-қўй хайрон. Улар эллик ёшда менинг Президент сайловида илк бор қатнашаётганимни, фуқаролик қандай имкониятлар бераётганини, турмушимиздаги ўзгаришларни билмайди, билса-да, ҳис қилмайди-да!

Айтганча, томорқамизни кенгайттирдик. Лимонлар қаторида 20 туп мандарин қў-

чати, 150 тупга яқин анор ҳосилга кирди. Бундан ташқари, паррандаларимиз ҳам бор. Ерга меҳр бериб, кам бўлмаямиз. Меҳнатимизга яраша даромад топяймиз.

Ёшлар етакчи атрофида бирлашмоқда

Бугун мамлакатимиз аҳолисининг 7 миллиондан ортиғини 18-30 ёшлилар ташкил этади. Бу юртимизни ривожлантирадиган, тараққий эттирадиган, Ўзбекистон номини оламга ёдиган куч — ёшлар, дегани. Президентимиз ҳудудларга ташрифи чоғида ёшларга вақт ажратиб, улар билан алоҳида суҳбатлашаётгани, муаммоларини тинглаётгани, ташаббусларини қўллаб-қувватлаётгани ҳам бежиз эмас.

Ана шу эътиборга ҳамоҳанг Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Чунки хонадонбай юриб, ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қўмаклашиш, уларнинг ортида суянч ва таянч сифатида давлатимиз турганини, фикр ва мурожазларини, тақлифларини эшитишга тайёр эканини билдириш учун маҳаллаларда ёшлар вакили лавозими жорий этилгани яна бир имконият бўлди. Бугун ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси иш бошлади. Қувонарлиси, улар орасида қизлар ҳам бор.

Юлдуз ҲАСАНОВА, Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги “Қичқирик” МФЙ ёшлар етакчиси:

— Йигирма олти ёшдаман. Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультетига тахсил олгач, Тошкент туманидаги 9-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида математика фани ўқитувчиси сифатида



болаларга сабоқ бера бошладим. Бугун кўп ўқувчиларим мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида тахсил олмақда.

Мактабда ишлаганим учун ёшларнинг муаммолари, қизиқишларидан яхши хабардорман. Мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, ижтимоий ҳимоя, бандликни таъминлаш, олий маълумотли йигит-қизлар сафини кенгайтириш борасида катта ишлар қилинаётган бир пайтда мен ҳам мана шу жараёнда қатнашиб, юртга нафим тегишини ўйлаб юрардим.

Президентимиз ташаббуси билан маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилганини эшитиб, “менинг жойим маҳаллада”, деган қарорга келдим. Чунки маҳаллада турли ёшлар қатлами — олий маълумотлилар ҳам, мактабни



битириб, бир ишнинг бошини тутмай, йўл тополмай юрганлар ҳам, имконияти чекланган ёки қийналган оила фарзандлари ҳам бор. Уларнинг муаммоси ҳал бўлишда ҳиссам бўлишини истайман, бу истак мени ҳаракат қилишга ундайди.

Танлов учун ҳужжатларимни топширдим. Очиқ танлов асосида суҳбат ўтказилди. Мутахассислар суҳбат жараёнини кузатди. Мақсадларимни, тақлифларимни сўради. Барчаси муваффақиятли ўтди. Олмазор туманининг “Қичқирик” маҳалласида ишлашим учун тавсия берилди.

Бу лавозимнинг жорий этилгани ҳар бир ёш қамраб олиниши билан аҳамиятли бўлди. Олдимизга қўйилган вазифалар салмоқли. Ёшларни илм-фанга қизиқтириш, интеллектини ривожлантириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, китобхонлик, маданият, мушоира кечалари, тадбиркорлик лойиҳаларини ташкил қилиш, умуман, ҳар бир ёшнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш имконига эга бўламиз. Мактабда ишлаб юрган кезларим “Бешта муҳим ташаббус” лойиҳаси бўйича кўп ишлар қилгандик. Маҳалла бу ташаббусни амалга оширишда катта майдон. Чунки ҳар бир йўналишда ишлаш учун ёшлар



етарли. Қолаверса, шароит ва имконият бор. Бундан ташқари, “Заковат” интеллектуал ўйинига жалб қилиш орқали иқтидорли ёшларни кашф этиш мумкин.

“Ота-она меҳрига тўймаган бўлсак-да, тақдиримиз ҳақида ўйлайдиган Ватанимиз бор. Шундай қилиб, мен давлат гранти асосида талабалikka қабул қилиндим. Бу орада уй калитини топширишди. Пойтахтимиз марказида жойлашган янги хонадонлардан бирида янги ҳаётим бошланди.

Ишни хатлов жараёнидан бошладик. 30 ёшгача бўлган ёшлар билан танишдик. Муаммоларини ўргандик, тақлифларини олдик. Маҳалла ҳудудидаги спорт майдончасида ижтимоий ҳимояга мўҳтож оила фарзандлари учун футбол тўғрисида ташкил этдик. Соат 18:00 да уларнинг машғулотли бошланади. Инглиз тили ва математика тўғрисида ҳам йўлга қўйилди. Кам таъминланган ёки кўп болали оилалар фарзандларини тўғраракларга тақлиф қилдик. Серфарзанд оилалар таъминоти яхши бўлиши, бироқ ҳар

дарсларга юбора бошлади. “Заковат” клубини ташкил этдик. Маҳалла ҳудудида, шу билан бирга, маҳаллалараро ўйинлар ташкил қилаямиз.

Маҳаллаларда муаммолар бор, ечим ҳам. Отабек Саримсоқов 2001 йилда туғилган. Заиф эшитишди. Отаси йўқ, онасининг ҳам имконияти чекланган. У компьютер графикаси бўйича маълумотга эга, бироқ компьютер сотиб олишга имконияти йўқ. Биз Отабекни “Ёшлар дафтари”га қиритиб, ҳужжатларини тайёрладик. Субсидия асосида унга иш қуроли олиб беришни мақсад қилдик.

Нодира Сайдахмедова 1994 йилда туғилган. Турмушидан ажрашган. Бир фарзанди билан оғир кунларни бошидан ўтказибди. Боланинг руҳияти зуриққан. Биз она-болани психолог қўмағига йўналтирдик. Бундан ташқари, Нодира бухгалтерия курсида ўқияпти. Ўқиши тугаса, унга ўз йўналиши бўйича амалий ёрдам берамиз. Бугун аёлнинг ҳаётга бўлган қарашини ўзгарди. Нодира каби ёшларнинг тушқунлиқни енгиб, ҳаётга мухаббатни ортаётгани ҳам аслида бугунги ислохотлар самараси эмасми?!


Менга бир йигилишда савол берилди: ёш экансиз, қиз болага бу вазифа қийин эмасми? Мен “йўқ”, деб жавоб бердим. Чунки мен бу вазифага ўз хоҳишим билан келдим. Ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига ҳисса қўшаман, уларнинг муаммоларини бартараф қилиш, тақлифларини ҳаётга таътиб этишда қўмаклашаман, бу орқали Президентимиз билдирган ишончни оқлайман, деб ўз олдимга катта мақсад қўйганман. Бугун ёшларнинг ўзи бизни излаб маҳаллага келиб, фаолиятимизга қизиқиш билдираётгани, атрофимизда бирлашаётганидан қувонаман.

“Уйли талабага айландим”

Елизавета Сергеева Меҳрибонлик уйига топширилган пайтда ўн тўрт ёшда эди. Табиатан тортинчоқ, бироқ ўз мақсади эришиш учун қатъият билан ҳаракат қила оладиган қизалоқ Меҳрибонлик уйини ўз уйи, тарбиячи ва тарбияланувчиларни оила аъзосидек қабул қилди. Ҳеч кимни ўзига бегона билмади, бегоналигини сездирмади.

Чилонзор туманидаги 79-умумтаълим мактабига олган таҳсили, ўқитувчилар эътибори унда олий таълим олиш истагини уйғотди. Мактабни битиргач, Ўзбекистон Миллий университети социология факультетига ҳужжат топширди. Эртага имтиҳон деган куни Елизаветани Яқкасар тумани ҳокимлигига чақириб, унга Тошкент шаҳри ҳокимлиги томонидан уй ажратилганини айтишди. Уй туман ҳокимлиги томонидан барча керакли жиҳозлар билан таъминланди. Қувонарлиси, гилам ва уй пардаларини Меҳрибонлик уйи директори ҳамроҳлигида Елизаветанинг ўзи танлади, дидига мос қилиб тиктирди.

— Энди ўз уйига эга талабаман, — дейди Елизавета Сергеева. — Имтиҳон



олдидан бундай хушхабарни эшитиш менга бекиёс қувват берди. Қўрқувим чекинди. Кўнглимда келажакка ишонч уйғонди, ёруғ оруз қила бошладим. Ана шу кайфиятда имтиҳон саволларига жавобларни белгилладим. Қолаверса, давлатимиз томонидан биз каби ёшларга имтиёз берилиши эртанги кунимизга ишончимизни мустаҳкамлади. Чунки ота-она меҳрига тўймаган бўлсак-да, тақдиримиз ҳақида ўйлайдиган Ватанимиз бор. Шундай қилиб, мен давлат гранти асосида талабалikka қабул қилиндим. Бу орада уй калитини топширишди. Пойтахтимиз марказида жойлашган янги хонадонлардан бирида янги ҳаётим бошланди. Бу хайрли ишга бош қўшган барча-барчага ўз миннатдорлигини билдираман. Энди ўз уйимда орузлар қиламан, уларни амалга ошириш учун режалар тузаман. Китоб ўқийман, изланаман, ўз устимда ишлайман. Келажакка қўйган илк қадамим қувонч билан бошланганидан мамнунман. Меҳрибонлик уйи — катта мактаб. У ерда бизга нафақат тарбия беришди, балки бичиш-тиқиш, тўкувчилик, пазандалик сирларини ўргатишди. Демак, ҳаётга мослашишим қийин кечмайди.

Атрофга қарасак, орамиздаги кўплаб аёллар ҳаётида мамлакатимиздаги бугунги ислохотлар самарасини кўраемиз. Кеча умидсизликка тушиб, “энди нима қиламан?” деган ҳадик ва қўрқув ичида яшаган аёллар бугун саросималик нималигини билмайди. Уларга узатилган кўп-лар ёруғ келажак сари элтиб қўяди.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Башорат ЮНУСОВА эзиб олди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳаддан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 640

Ҳажми — 3 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоқис қилинган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Хайридинмурод Абулфайзов
Мусахҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 22:25 Топширилди — 00:25